



**“АНКОММЕН” ЮРИШ-ХАРАКАТ ФЕЪЛИНИНГ АСПЕКТУАЛ ВАЗИЯТЛАРДА
ҚЎЛЛАНИЛИШИ
(немис ва ўзбек тиллари материали асосида)**

*Муминова Азиза Одиловна,
СамДЧТИ ўқитувчиси (PhD)*

Таянч сўзлар: функционал-семантик майдон, аспектual вазият, инхоативлик, итеративлик, процессуаллик, терминативлик, аспектual дуализм .

Тилшунослик соҳасига Л.Вайсгербернинг “семантик майдон” ҳамда Р.О.Якобсон, Н.С.Трубецкой, С.О.Карцевскийлар томонидан “лингвистик функционализм” атамасининг киритилиши А.В.Бондаркога “функционал-семантик майдон” ва аспектualлик тадқиқотларига “вазият” тушунчасини татбиқ этишига туртки бўлди. Олимнинг аспектual элементларни таҳлил қилиш учун “асспектual вазият” тушунчасини қўллашни таклиф этиши бу соҳадаги тадқиқотларнинг ривожланишига ҳамда бундай таҳлил усули феълларни аспектual жиҳатдан гуруҳлашга ёрдам беради [Бондарко, 2001; 2002].

Р.Абуталипованинг ёзишича, аспектualликда функционал грамматика моделига асосланган “функционал-семантик майдон” ва “асспектual вазият” тушунчаларининг тараққий этишига Ленинград аспектualлик мактаби вакиллари Ю.С.Маслов, А.В.Бондарко ва уларнинг шогирдлари улкан хисса қўшишган [Абуталипова, 2009: 7]. Жумладан, В.А.Бондарконинг фикрича, функционал-семантик майдон - муайян семантик категорияга асосланган бутун бир функционаллик сферасини қамраб олади. Функционал-семантик майдон маълум бир тилдаги умумий семантик функцияга эга бўлган турли даражадаги воситаларни ўзида бирлаштирадиган семантик категориядир. Тилшуносликда аспектualлик, темпораллик, таксис ва б. функционал-семантик майдон турлари ажратилади [Бондарко, 2002: 291], [Абуталипова, 2009: 6].

Шу ўринда “майдон” тушунчасига тўхталамиз. И.Трирнинг фикрича, майдон

- бу юкори тартиб-қоидага асосланган лексик-семантик категория бўлиб, унда тилнинг барча лексик системаси тўлиқ ва бир хиллик асосида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, лексик-семантик майдон - бу маъно жиҳатидан умумий инвариантга эга бўлган кўпгина лексик бирликларнинг иерархик тузилишидир (қаранг: [Мавлонбердиева, 2011: 11-12]).

Ҳозирги кунда “майдон” тушунчасидан функционал грамматика доирасида кенг фойдаланилмоқда. “Функционал-семантик майдон” тушунчаси - “вазият” атамаси билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Аспектual вазият - бу фикр-мулоҳазани акс эттирувчи категориал ифодалардан биридир.

Аспектual вазият аспект (вид)нинг тугалланганлик/тугалланмаганлик, феълларнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик, давомлилик, карралилик, фазавийлик, перфективлик каби аспектual маънолардан ташкил топади. Бундан ташқари аспектual вазият замон категорияси билан боғлиқ бўлган локативлик/нолокативлик ҳамда таксис кабиларни ўзига қамраб олади [Бондарко, 2002: 302 - 303].

Аспектual вазиятлар тилшунослар томонидан турли тиллар доирасида ўрганилган. Аспектual вазият деганда гапдаги тил воситалари ёрдамида ифодаланадиган аспектual маънолар (ҳаракатнинг бошланғич фазаси, якуний нуқтага интилиши, ҳаракат оқими ёки ҳаракатнинг тугалланиши кабилар)ни тушуниш мумкин [Ризаев, 1999: 39].

Бизнингча ҳам муаллифнинг қарашлари аспектual вазият моҳиятини қамраб олади, яъни жумла таркибидаги



турли лисоний, лексик ва грамматик воситалар, контекст, шунингдек, аспектилик маъносини англатувчи барча воситалар орқали аспектилик вазият ҳосил бўлади.

Ўзбек тилшуносларидан бири Ғ.Мирсановнинг масалага ёндашуви юқоридаги фикрга ўхшаш. У аспектилик вазият деганда гапдаги тил воситалари ёрдамида ўз аксини топадиган аспектилик маъноларни (ҳаракатнинг бошланғич фазаси, якуний нуқтага интилиши, ҳаракат оқими ёки ҳаракатнинг тугалланиши)ни тушунади. Шунингдек, олим аспектилик вазиятларнинг бир неча турларини кўрсатиб берган. Жумладан, ҳаракатнинг бошланишини “инхоатив аспектилик вазият”, такрорий ҳаракатни “итератив аспектилик вазият”, ўрта оқимда бўлган ҳаракатни “процессуал аспектилик вазият”, тугал нуқтага етган ҳаракатни “терминатив аспектилик вазият”, ҳаракатнинг тугалланиб бирор натижага келинганлигини “натижавий аспектилик вазият” каби номлар билан атаган [Мирсанов, 2009: 61].

Биз келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда, аспектилик вазиятни қуйидагича талқин қиламиз: аспектилик вазият - фақатгина турли лисоний, лексик ва б. воситалар ёрдамида шаклландирган аспектилик (чегарага етганлик/етмаганлик (тугалланганлик/тугалланмаганлик, терминативлик/ процессуаллик) билан чегараланиб қолмай, у ҳаракат тарзлари (ҳаракатнинг бошланиши, давом этиши, такрорийлиги, натижавийлиги), шунингдек, контекст, турли грамматик воситалар, экстралингвистик омиллар таъсирида ўз ифодасини топади. Аспектилик вазиятлар жумла таркибида ўзаро бирикиб, турли комбинациялар ҳосил қила олади. Яъни ушбу аспектилик вазиятлар контекст таркибида бошқа аспектилик белгилар билан ўзаро боғланиши мумкин. Масалан:

инхоатив аспектилик вазият + процессуал аспектилик вазият (ҳаракатнинг бошланиши ва давом этиши);

процессуал аспектилик вазият + терминатив аспектилик вазият (ҳаракат оқими ва тугалланганлик);

итератив аспектилик вазият + терминатив аспектилик вазият (ҳаракатнинг давом этиши ва тугалланганлик);

инхоатив аспектилик вазият + терминатив аспектилик вазият (ҳаракатнинг бошланиши ва тугалланиши) ва б.

Баъзан аспектилик вазият маъносини аниқ талқин қилиш мушкул. Аспект жиҳатидан ноаниқликни билдирадиган вазиятни Ғ.Мирсанов дуал аспектилик вазият деб атайди [Мирсанов, 2009: 62].

Айрим ишларда бундай ноаниқлик аспектилик дуализм деб аталади [Ризаев, 1999: 45].

Кўринадик, аспектилик вазиятлар ифодаладиган маъносига кўра бир қанча турларга ажратилади. Аспектилик вазиятларнинг турлари функционал грамматика доирасида (рус тили материали асосида) [Ибрагимова, Матханова, Нилова, Соколова, Кожевникова, Милютина, Духанина, Черенков, Дунев] ва б. диссертация ишларининг тадқиқот предмети сифатида ўрганилган.

Б.Х.Ризаевнинг илмий ишларида қуйидаги аспектилик вазиятлар турлари ажратилган: терминатив, процессуал, ингрессив - (жараён (процесс)нинг бошланиш фазаси), дуратив - (тугалланмаганлик), терминатив-дуратив, инициал - (бошланиш ва тугалланиш), статал - жараён оқими, инициал-статал ва б. (қаранг: [Ризаев, 1999: 41 - 57]).

Кўринадик, аспектилик вазиятлар ифодаладиган маъносига кўра, бир қанча турларга бўлинади. Ушбу мақоламизда биз немис тилидаги чегараланган хусусиятли юриш-ҳаракат феъли ҳосил қиладиган аспектилик вазиятларни кўриб чиқамиз.

Немис тилидаги чегараланган хусусиятли юриш-ҳаракат феълларига *kommen, ankommen* каби ва ўзбек тилидаги чегараланган феълларга *келмоқ, кетмоқ, кирмоқ, чиқмоқ, яқинлашмоқ, узоқлашмоқ, йироқлашмоқ, етмоқ, қайтмоқ, чекинмоқ* феъллари киради.

Биз ўз таҳлилимизда немис тилидаги чегараланган *ankommen* феълининг



аспектуал вазиятлардаги маъноларини ёритамиз.

Чегараланган *ankommen* феъли илмий ишларда тилшунослар томонидан перфектив (тугалланган) феъл сифатида қайд этилган [Ризаев, 2003:17]. Чегараланган феълнинг қандай аспект уал вазиятни ифодалашни контекстга, жумла акс этган замон шаклига, шунингдек, аспект уалликни ифода этувчи бошқа кўшимча воситаларга боғлиқ. Перфектив феъл эса қайси замонда акс этишига қарамай, ҳатто презенсда ҳам терминативликни ифода этади.

Масалан, Б.Х.Ризаев ўз изланишларида турли акционал гуруҳларга кирувчи чегараланган, чегараланмаган, икки акционал хусусиятли юриш-ҳаракат феълларининг аспект уал вазиятдаги маъноларини ёритиб, немис тилидаги перфектив феълларга *ankommen, erreichen, stürzen, sich begeben, stürmen, finden, treffen* кабиларни киритган. Олим перфектив *ankommen*нинг турли замон шаклларида доим терминатив аспект уал вазиятда иштирок этишини кўрсатиб берган:

1. Plusquamperfekt: Besagter Kaufmann Prosocarchi **war** aber ohne alle Begleitung **angekommen** (Hoffmann. Auswahl, 454).

2. Perfekt: Ich **bin** heute erst hier **angekommen** (Bredel. Väter, 60) [Ризаев, 2003: 45].

3. Imperfekt: Als ich am Sportplatz **ankam**, lief die Mannschaft mit Max Fliegel an der Spitze gerade in die Turnhalle (Kleineidam. Westland-Story) [Ризаев, 1999: 41].

4. Präsens: Er trudelt noch in einige Schenken, und wenn er in dem kleinen Gasthof in der Vorstadt **ankommt**, ist er ein wenig beschwipst (Brecht. Kalendergeschichten, 63) [Ризаев, 2013: 124].

Келтирилган тўртта мисолда ҳам перфектив *ankommen* ўз семантикаси кўмагида тугалланган юриш-ҳаракат, яъни терминатив аспект уал вазиятни ифода этган.

Қуйида ўзимиз тўплаган мисолларда перфектив *ankommen* феъли иштирокидаги аспект уал вазиятларни таҳлил қиламиз.

Юриш-ҳаракатнинг ўз тугал нуқтасига бориб етганлик маъносини билдирувчи перфектив *ankommen* феъли немис тили бадий адабиётларида кўлланиш жиҳатидан сермахсул эмас. Ушбу феъл ўзбекча-немисча луғатда ўзбек тилига умумлашган ҳолда **етиб келмоқ** кўшма феъли орқали берилган. Аммо, баъзи мисоллар таркибида перфектив «*ankommen*»нинг маъноси *келмоқ, тўхтамоқ, етиб олмоқ, чопиб бормоқ, қайтиб келмоқ* шаклларида учрайди. Мисолларга эътибор қаратамиз:

1) Da **kam** man **an** - aber ganz anders, als die Gatten es erträumt hatten [Mann, 333].

2) Endlich **kamen** sie **an** ein ganz kleines Häuschen,... [Kocialek, 123].

Иккала мисолдаги тугалланганлик перфектив *ankommen* феъли семантикаси билан изоҳланиб, аспект уал нуқтаи назардан, ўз тугал нуқтасига эришган юриш-ҳаракат терминатив аспект уал вазиятни ифода этади.

Ўзбек тили мисолида ҳам терминатив аспект уал вазият берилиб, бу ердаги перфективлик *етиб келмоқ* кўшма феъли семантикаси ёрдамида акс этган. Жумла яқин ўтган замон шаклида ўз аксини топиб, *ankommen* содда феъли маъноси **етиб келдилар** кўшма феъл сифатида ифодаланган:

(1a) Ниҳоят, улар Римга **етиб келдилар**, аммо, юз берган ҳодиса кутганларидек бўлиб чиқмади [Осим, 353].

(2a)да ҳам терминатив аспект уал вазият берилиб, мисолдаги тугалланганлик *тўхтамоқ* феъли семантикаси ҳамда гапда кўлланган узок ўтган замон шакли ёрдамида ифода этилган:

(2a) Улар ..., шаҳар четидаги настак уйча олдида **тўхташибди** [Акбар, 127].

Навбатдаги мисолда ҳам перфектив *ankommen* имперфектда ўз ифодасини топиб, юриш-ҳаракатнинг тугалланганлиги кўрсатилган:

3) Agnes musste heim... Wie sie beim Wirthaus **ankamen**, pfiß in der Ferne schon der Zug [Mann, 83].



Ўзбек тили мисоли (3а)даги асосий фарқ аспектвал вазиятнинг маъносида кўринади. Немис тилида терминатив аспектвал вазият берилган бўлса, ўзбек тилидаги жумлада якуний чегара мавжуд бўлса-да, аммо, юриш-ҳаракатнинг ўз тугал нуқтасига етиб бормаганлиги кузатилмоқда. Немис тили мисолида субъектнинг объектга етиб келганлиги аниқ кўрсатилган бўлса, ўзбек тилида *ankommen*нинг маъноси давомли юриш-ҳаракат сифатида ифода этилган. Натижада процессуал аспектвал вазият ҳосил бўлган. Бу ердаги ҳаракат оқими **-а** давомли замон кўшимчаси ёрдамида акс этган. Яна бир фарқли томони, *ankommen* перфектив феъли ўзбек тилида учта феъл (**чошиб, бора, туриб**) - аналитик курилмаси шаклида берилган. Бунда, **чошиб бормоқ** - кўшма, **туриб** - ҳаракатни давом этаётганини билдирувчи кўмакчи феъл ҳисобланади.

Қиёсланг: (3а) *Агнеснинг қайтиши зарур...* - *Меҳмонхонагача чошиб бора туриб узоқдан паравоз гудоги эшитилди* [Осим, 85].

Навбатдаги мисолларда ҳам перфектив *ankommen* притеритда ифодаланиб, ҳаракатнинг тугалланганлиги кўрсатилган. Мисоллардаги терминативлик жумла таркибидаги вазиятларнинг кетма-кет содир бўлиши билан изоҳланади. Мисолларни кузатамиз:

4) Er verabschiedete sich, **kam an** Diederichs Tisch, um ihm, Jadassohn und Zillich die Hände zu schütteln, und ging hinaus [Mann, 132].

5) Da ging es hinein zu seiner Mutter, und weil es so mit Gold bedeckt **ankam**, ward es von ihr und von der Schwester gut aufgenommen [Kocialek, 80].

Ўзбек тили мисоли (4а)даги терминативлик ҳам жумла таркибидаги вазиятларнинг кетма-кет содир бўлиши ва унда қўлланган яқин ўтган замон шакли билан изоҳланади:

(4а) *У хайр-маъзур қилиб, Дидерихнинг столи ёнига келди, Дидерих, Ядоссон ва пастор Силлихнинг қўлини сиқиб, ресторандан чиқиб кетди* [Осим, 137].

(5а)да давомий ҳаракат, яъни процессуал аспектвал вазият берилиб, у - *гани* давомли замон кўшимчаси ёрдамида ўз аксини топган:

(5а) *Ўгай она қизи билан ўгай қиз олтинга беланиб келаётганини кўриб, меҳрибонлик билан қарши олибди* [Акбар, 112].

Қуйида перфектив *ankommen*нинг плускуамперфектда ифода этилган мисолни келтираемиз:

6) Oft hielt er seinen raschen Schritt an, oft stand er stille und schien umkehren zu wollen; allein er richtete seinen Gang immer wieder vorwärts und **war** mit diesen Gedanken und Selbgesprächen endlich gleichsam wider Willen bei dem Jagdhouse **angekommen** [Goethe, 102].

Ушбу мисолдаги терминативлик шахснинг маълум мўлжалга етиб келган (*bei dem Jagdhouse angekommen*) юриш-ҳаракати орқали изоҳланади.

Ўзбек тилида яқин ўтган замон шакли қўлланиб, *ankommen* содда феъли кўшма феъл кўринишида акс этган. Аспектвал нуқтаи назардан, бу ерда ҳам тугалланган юриш-ҳаракат (**саройига етиб келди**) терминатив аспектвал вазиятни ифода этади. Мисолни кузатамиз:

(6а) *Вертер жадал қадамни дамбадам секинлатар, тўхтаб қолар ва орқага қайтмоқчи ҳам бўларди, лекин, йўлида яна давом этарди ва ўз-ўзи билан сўзлашиб, мулоҳаза юритарди. Шу тариқа ўз истагига қарама-қарши ҳолда овчилар саройига **етиб келди*** [Эгамова, 100].

Кейинги (7), (8) мисолларда перфектив *ankommen* перфектда қўлланиб, бу ерда ҳам терминативлик ҳосил бўлган:

7) Albert **ist angekommen**, und ich werde gehen... [Goethe, 49].

8) Aber Diederich wollte auch hierüber besser unterrichtet sein. „Fräulein Daumchen und ich **sind** nämlich zusammen hier **angekommen**“, sagte er versuchsweise [Mann, 123].

Иккала мисолдаги терминативлик ҳам субъектнинг тугалланган юриш-ҳаракати кўмагида ўз ифодасини топган.

(7а) ва (8а)да *ankommen*нинг маъноси **келди** - содда феъл кўринишида



акс этиб, яқин ўтган замон шаклида ифодаланган. Бизнингча, таржимон (7а)да **кўринмаслигим лозим** ўрнига **боришим лозим** тарзида берганида мақсадга мувофиқ бўларди. Аспектуал жиҳатдан бу ерда ҳам терминатив аспектуал вазият ифодаланган. Мисолларга эътибор қаратамиз:

(7а) *Альберт келди, энди мен кўринмаслигим лозим* [Эгамова, 43].

(8а) *Аммо, Дидерих бу масалада ҳам ўз фикрида қолди. - Биз Фрейлейн Даумхен*

билан Нецигга бир поездда келдик - деди у ўсмоқчилаб [Осим, 127].

Мисоллар таҳлилидан ойдинлашдики, перфектив *ankommen* феъли фақат терминатив аспектуал вазиятда иштирок этади. Биз тўплаган мисолларда ушбу феъл перфект, имперфект, плюскуамперфект замонларида берилиб, барча ҳолатларда юриш-ҳаракат ўзининг якуний чегарасига етган. Перфектив *ankommen* феъли эса ҳар доим терминатив аспектуал вазиятни ҳосил қилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Акбар А., О.Азимова., Т.Алимов. Қадимий кутичадаги эртақлар. – Т.: Давр, 2014. - 192 б.
2. Абуталипова Р.А. Функционально-семантическая категория аспектуальности в башкирском языке: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. -Уфа, 2009. - 45 с.
3. Бондарко А.В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. - М.: Стереотип, 2001. - 208 с.
4. Бондарко А.В. Теория значения в системе функциональной грамматики: На материале русского языка / Рос. академия наук. Ин-т лингвистических исследований культуры. М.: 2002. - 736 с.
5. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. (Эгамова Я. таржимаси) – Т.: Янги аср авлоди, 2006. - 132 б.
6. Мавлонбердиева О.Е. Сопоставительная характеристика глаголов движения в русском и узбекском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Худжанд, 2011. – 24 с.
7. Миркарим Осим. Содик фуқаро. - Т.: Фафур Фулом, 1970. - 460 б.
8. Мирсанов Ф.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектуал хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 2009. - 155 б.
9. Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита. – Т.: Фан, 1999. - 121 с.
10. Ризаев Б.Х. Аспектная семантика перфектных и плюсквам перфектных форм немецкого глагола. – Самарқанд: 2003. – 89 с.
11. Ризаев Б.Х. Функционально-семантическое поле лимитативности в современном немецком языке. – Самарқанд: СамГИИЯ. 2013. - 162 с.
12. Goethe J.W. Die Leiden des jungen Werthers. – Ленинград, Просвещение, 1975. - 160 С.
13. Kocialek A. Die Kinder – und Hausmärchen der Brüder Grimm. – Berlin, Der Kinderbuchverlag, - 304 S.
14. Mann H. Der Untertan. Dresden, Aufbau-Verlag Berlin und Weimar, 1967. - 443 S.

Муминова А. Употребление глагола движения “ankommen” в аспектуальных ситуациях. В данной статье рассматривается употребление немецкого глагола движения “ankommen” в аспектуальных ситуациях. Автор анализирует перевод глагола на узбекский язык, а также аспектуальную семантику “ankommen”, которая представлена в обоих языках.

Muminova A. The use of the verb "ankommen" in aspectual situations. In this article is looked round the usage of the German verb “ankommen” in aspectual situations. The author discusses the translation of the verb into Uzbek, as well as the aspectual semantics of the “ankommen” in both languages.